

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАХМАТОВ ШУХРАТ ШАРОФОВИЧ

**АМБУЛАТОР ШАРОИТИДА ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАРНИНГ
ЙИРИНГЛИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШНИНГ
КОМБИНАЦИЯЛАНГАН ФИЗИК-КИМЁВИЙ УСУЛИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахматов Шухрат Шарофович

Амбулатор шароитда юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликларини даволашнинг комбинацияланган физик-кимёвий усули.....5

Рахматов Шухрат Шарофович

Комбинированный физико-химический метод лечение гнойных заболеваний мягких тканей в амбулаторных условиях.....23

Raxmatov Shuxrat Sharofovich

Combined physical and chemical method for the treatment of purulent diseases of soft tissues on an outpatient basis.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

Lists of published works.....44

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАХМАТОВ ШУХРАТ ШАРОФОВИЧ

**АМБУЛАТОР ШАРОИТИДА ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАРНИНГ
ЙИРИНГЛИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШНИНГ
КОМБИНАЦИЯЛАНГАН ФИЗИК-КИМЁВИЙ УСУЛИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Tib2161 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертациянинг автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.buxmi.uz) ва “ZiyoNet” (www.ziynet.uz) ахборот-таълим порталига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Сафоев Бақодир Барноевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Лигай Руслан Ефимович

тиббиёт фанлари доктори

Акбаров Миршавкат Миролимович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

**Курск давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022-йил “___” _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри., А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____)рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри., А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Казакова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Б.З.Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долбзарблиги ва зарурати. Дунёда хирургик инфекцияни даволаш Гиппократ давридан хирургиянинг долзарб муаммоси бўлиб ҳисобланади ва у ўз аҳамиятини ҳозирги вақтгача йўқотмаган. Аниқланишича, «...барча хирургик беморлар орасида юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликларининг солиштирма миқдори 35-40% ни ташкил этади. Ҳозирги замон фани, тиббиётининг ютуқлари, антибактериал даволаш ва маҳаллий таъсирдаги замонавий антисептикларни кенг қўлланилишига қарамасдан бу ҳолат ҳатто ривожланган Осиё, ғарбий Европа ва АҚШ давлатларида ҳам кузатилиб, ҳозиргача бу патологиянинг кечиши натижаларида камайиш кузатилмайди...»¹. Тери ва юмшоқ тўқималар хирургик инфекциясида метициллин-резистент тиллоранг стафилококкнинг жараёнга жалб қилиниши, тери ва юмшоқ тўқималар хирургик инфекцияси кечишини янада оғирлаштиради, госпитализация сонини оширади, даволаш харажатларини ошишига олиб келади ва умумий ўлимни кўпайтиради.

Жаҳон миқёсида ер шарининг барча давлатларида тери ва юмшоқ тўқималар инфекцияси хирургик инфекциялар орасида ривожланиш салмоғи ва асоратларини ривожланиш бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Хорижлик адабиётлар манбаалар маълумотида кўра «...таркибида юмшоқ тўқималар хирургик инфекцияси салмоғи (операциядан кейинги йиринглашлар, постинъекцион асоратлар ва б.) 36% гачани, Россияда 24% ни ташкил этади. Тери ва юмшоқ тўқималар йирингли хирургик касалликларининг муаммосини аҳамияти шундан иборатки, бу патология умумий хирург бирламчи мурожаатининг 70% ини ташкил этади. АҚШ да тери ва юмшоқ тўқималар хирургик инфекцияси билан бир йилда 330000 беморлар стационарга ётқизиб даволанади...»². Амбулаатор шароитда ҳар йили 2 миллионга яқин юмшоқ тўқималар йирингли касалликлари билан беморлар даволанади. Йирингли жароҳатларни даволашда этиологияси ва жароҳатни кечиш процессини ҳисобга олган ҳолда алоҳида ёндашиш уларни самарали даволашнинг шарти ҳисобланади.

Ватанимизда тиббиёт тизимини ривожлантириш учун олиб борилаётган кенг кўламли мақсадли тадбирлар орасида, алоҳида эътибор касалликларни эрта аниқлаш, асоратларини олдини олиш ва камайтиришга қаратилган. Бу борада 2022-2026 йилларда янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида кўрсатилган 7 та устивор йўналишнинг 4-қисм 56- мақсадида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»³ вазифалари белгиланган.

¹ Третьяков А.А., Петров С.В., Неверов А.Н., Щетинин А.Д. Лечение гнойных ран // Новости хирургии. 2015. Т. 23, № 6. С. 680-687.

² Pulgar S., Mehra M., Quintana A. et al. The epidemiology of hospitalized cases of skin and soft tissue infection in Europe. 18th European Congress of Clinical Microbiology and Infectious Diseases. Barcelona, Spain, 2008. Abstr. P821

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни нг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6110-сон Фармони, шунингдек мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда тасдиқланган вазифаларнинг бажарилишига ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.

Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бутун дунёда барча давлатлар хирурглари XX аср охирларидан йирингли яллиғланиш касалликлари билан беморларни даволаш натижаларини ёмонлашганлигини кўрсатиб ўтадилар Бу қуйидаги сабабларга кўра юзага келган: хирургик инфекция кўзгатувчиларининг антибиотикорезистентлигини ўсиши, бу ўз навбатида оғир кечадиган ва ананавий даво чоралар фойда бермайдиган йирингли хирургик касалликларни ва операциядан кейинги йирингли асоратлар сонини ошишига, жароҳат юзасини госпиталь штамлар билан қайта зарарланиш ҳолатини кўпайишига олиб келади. (World Health Organization, 2011).

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ушбу маълумотларни инобатга олиб 2015 йилда йирингли жароҳатлар муаммооси, шу жумладан операциядан кейинги ва ятроген инфекция кўриб чиқилган. 2016 йил сентябр ойида эса БМТ бош ассамблеяси 71- сессиясида дунёдаги барча давлатлар ҳукуматларини микроорганизмларни антибиотикларга чидамлигига қарши кураш дастурини ишлаб чиқишга чақирди. (Гусаров В.Г. ва ҳаммуал 2017).

Ўзбекистонда юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари бўлган беморларга жарроҳлик ёрдамини тизимли ташкил қилиш, ташхислаш усулларини такомиллаштириш, жароҳат инфекциясини даволаш ва унинг олдини олиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилган. Шунга қарамасдан айрим маҳаллий тадқиқотчилар келтирган маълумотларга кўра қандли диабет фонида юмшоқ тўқималар йирингли касалликлари бўлган беморларда даволашнинг исталмаган натижаларни кузатилиши, 20 % дан то 94% гача ҳолатларда сепсис ва ўлимга олиб келиши кузатилган.(Бабаджанов Б.Д. ва ҳаммуал 2017). Кўпинча амбулатор шароитда даволанадиган юмшоқ тўқималар йирингли касалликлари билан бирга некротик касалликларнинг алоҳида шакллари 66 % дан то 76% гача ўлимга олиб келиши аниқланган.(Охунов А.О. ва ҳаммуал 2018).

Бугунги кунда дунё миқёсида, шу жумлада мамлакатимизда ҳам юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликларини даволашнинг оддий ва самарали усулларини қидириш ишлари давом этмоқда ва энг яхши натижаларни физик ва кимёвий усулларни комбинацияланган ҳолда қўллаб олиш мумкин. Йирингли жароҳатни диметилсульфоксид билан ишлов бериш ва йирингли

яраларни даволаш учун электроактивланган эритмани қўллаш ғоялари янги эмас. Бироқ ҳозирги кунда бу антисептикларни комбинацияланган ҳолда фойдаланилмаяпти, юмшоқ тўқималар йирингли касалликларини маҳаллий даволашда унинг самарадорлик масаласи ўрганилмаган. Шу нуқтаи назардан мазкур патологияни клиник жиҳатдан тушунтириш, касалликнинг ривожланишини башоратлаш ҳамда уни даволашнинг комплекс, индивидуаллаштирилган усуллари ва даволаш-профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 02.2022.PhD.148 рақамли «COVID – 19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, тасхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш» (2022–2026) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: амбулатор шароитда юмшоқ тўқималар йирингли касалликларни электроактивланган сувли эритма ва 25% диметилсульфоксид эритмаси билан биргаликда қўллаш орқали даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

амбулатор шароитда юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари бўлган беморларни анъанавий даволаш усулини қўллаш самарадорлигини баҳолаш;

амбулатор шароитда юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари бўлган беморларни даволашда электроактивланган сувли эритмадан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш;

амбулатор шароитда юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари бўлган беморларни даволашда электроактивланган сувли эритма ҳамда диметилсульфоксиднинг 25% эритмаси билан биргаликда қўллаб олиб бориладиган усул натижаларини самарадорлигини баҳолаш;

олинган тадқиқот натижалари қиёсий таҳлили асосида амбулатор шароитда юмшоқ тўқималар йирингли касалликларини даволашнинг оптимал усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 6 - сон оилавий поликлиникасида 2018-2021 йилларда амбулатор шароитда даволанган, юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари аниқланган, йўлдош касаллиги бўлмаган 186 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари бўлган беморларда йирингли жароҳатларини электроактивланган сувли эритмалар ва 25% ли диметилсульфоксид эритмасидан фойдаланиб маҳаллий даволаш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда интоксикация кўрсаткичлари, йирингли жароҳатнинг кечиш жараёнларининг динамикаси, биокимёвий

кўрсаткичлар динамикаси ва йирингли жароҳатларнинг битиш тезлигини баҳолаш, бактериологик, гистологик ва статистик таҳлиллар, каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Клиник тадқиқот натижасида амбулатор шароитда юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари бўлган беморларни даволашда электрактивланган сувли эритма ва 25% ли диметилсульфоксид эритмасини биргаликда қўллашнинг самарадорлиги аниқланган;

Клиник тадқиқот асосида юмшоқ тўқималар йирингли касалликлари касалликлари бўлган беморларни амбулатор шароитда даволашда электрактивланган сувли эритма ва 25% ли диметилсульфоксид эритмасини биргаликда маҳаллий қўллаш самарадорлиги баҳоланган;

электрактивланган сувли эритма ва 25% ли диметилсульфоксид эритмасини биргаликда маҳаллий қўллаш кўпроқ жароҳатни тозаланишига таъсир қилиши ҳамда репаратив жараёни яхшилаши, шунингдек, юмшоқ тўқималарда йирингли касалликлари бўлган беморларни даволаш муддатларини 2-3 кунга қисқариши исботланган;

юмшоқ тўқималар йирингли касалликлари бўлган беморларни амбулатор шароитда даволаш усули сифатида электрактивланган сувли эритма ва 25% ли диметилсульфоксид эритмасидан биргаликда фойдаланишнинг оптимал усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

электрактивланган сувли эритма ва 25% ли диметилсульфоксид эритмасини биргаликда маҳаллий қўллаш юмшоқ тўқималар йирингли касалликларини даволашда жароҳатга самарали таъсир қилувчи усул деб белгиланган;

электрактивланган сувли эритма ва 25% ли диметилсульфоксид эритмасини биргаликда қўллаш турли этиологияли юмшоқ тўқималар йирингли касалликларига бўлган беморларни маҳаллий даволашда юқори самарадорликка эгаллиги исботланган;

амбулатор шароитда юмшоқ тўқималар йирингли касалликлари бўлган беморларни даволашнинг оптимал усули ишлаб чиқилган;

электроактивланган сувли эритма ва 25% ли диметилсульфоксид эритмасини биргаликда қўллаганда йирингли жароҳатни кечиш жараёни босқичининг алмашиш муддатлари тезлашиши ва бу ўз новбатида юмшоқ тўқималар йирингли касалликлари бўлган беморларни даволаш муддатларини 2-3 кунга қисқартириши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалари билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, лаборатор, инструментал, статистик тадқиқот усуллари асосланганлиги шунингдек, юмшоқ тўқималар йирингли касаллиги пайдо бўлишининг клиник хусусиятларини ташхислаш ва даволаш тактикаси такомиллаштирилганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан

таққосланганлиги, хулоса, олинган натижалар далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари бўлган беморларда йирингли жароҳатларни маҳаллий даволашнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилганлиги, илк бор юмшоқ тўқималарнинг йирингли жароҳатлари бўлган беморларни даволаш учун электрактивланган сувли эритма ва 25% ли диметилсульфоксид эритмасини биргаликда қўллашнинг самарадорлиги тажрибавий ва клиник тадқиқотлар билан асосланганлиги; юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари бўлган беморларни амбулатор шароитда комплекс даволашда электрактивланган сувли эритма ва 25% ли диметилсульфоксид эритмасини биргаликда маҳаллий қўллашнинг самарадорлиги ўрганилганлиги, юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари бўлган беморларни амбулатор шароитда даволашнинг усули сифатида электрактивланган эритма ва 25% ли диметилсульфоксид эритмасини биргаликда қўллаш бўйича оптимал усули ишлаб чиқилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган юмшоқ тўқималарнинг йирингли жароҳлик касалликлари бўлган беморларни даволашнинг оптимал усули йирингли жароҳатни инфекциядан тозалаш муддатларини амбулатор шароитда қисқартиришга, электрактивланган сувли эритма ва 25% ли диметилсульфоксид эритмасини биргаликда қўлланилиши йирингли жароҳат жараёнининг фазалари алмашишини тезлаштиришга ва бу ўз новбатида юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари бўлган беморларни даволаш муддатларини қисқартиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг тадбиқ этилиши. Юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари бўлган беморларни даволашда электрактивланган сувли эритма ва 25% ли диметилсульфоксид эритмасини биргаликда фойдаланиш йўли билан яхшилаш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

“Амбулатор шароитда юмшоқ тўқималарнинг йирингли жароҳлик касалликлари бўлган беморларда йирингли жароҳатларни физик-кимёвий даволаш усули” мавзусида услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг илмий-тадқиқот ишларининг натижаларини амалиётга тадбиқ этиш бўйича 2022-йил 28 апрелдаги 8 н-р/411-сон хулосаси). Мазкур услубий тавсиянома юмшоқ тўқималарнинг йирингли касаллиги бўлган беморларда электрактивланган сувли эритма ва 25% ли диметилсульфоксид эритмасини биргаликда қўллаш орқали беморларда ушбу патология асоратларининг олдини олиш имконини берган;

юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Бухоро вилоятининг Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 9-сон оилавий поликлиникаси ва Жондор туман тиббиёт бирлашмаларининг амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 26 майдаги 8 н-з/246-сон

хулосаси). Амалиётда тажрибавий ва клиник тадқиқотлар билан юмшоқ тўқималарнинг турли нозологияли йирингли касалликларида электрактивланган сувли эритма ва 25% ли диметилсульфоксид эритмасини биргаликда қўллаш самарадорлигини аниқланган. Тадқиқотдан олинган натижалар асосида электрактивланган сувли эритма ва 25% ли диметилсульфоксид эритмасини биргаликда маҳаллий қўллашнинг оптимал усули ишлаб чиқилган. Ушбу усул йирингли жароҳат жараёни фазасининг алмашиш муддатларининг тезлашишига кўмаклашган ва шу орқали юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари бўлган беморларни даволаниш муддатини 2-3 суткагача қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзусида жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 9 та журнал мақола, жумладан, 4 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика илм ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлардаги маълумотлар асосида юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликларида йирингли-яллиғланиш жараёнлари, йирингли жароҳатнинг битиши ва ундаги жараёнларга таъсир қилиш усуллари таҳлил қилинган ҳамда тизимлаштирилган. Жароҳатларни даволашда электрактивланган сувли эритма ҳамда диметилсульфоксид кимёвий препаратининг ўрни борасидаги фикрларга тўхталиб ўтилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида беморларни клиник таснифи, қўлланилган воситалар ва даволаш усуллари, шунингдек, клиник-лаборатор ва инструментал тадқиқот усуллари кўрсатилган.

Клиник кузатув остида 2018-2021-йилларда Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 6 - сон оилавий поликлиникада амбулатор даволанган, юмшоқ тўқималарнинг турли нозологияли йирингли жароҳлик касалликларига эга 186 нафар бемор бўлган.

Барча беморлар даволаш усулига боғлиқ ҳолда 2 гуруҳга бўлинган: I- гуруҳ – таққослаш гуруҳи ва II – асосий гуруҳ. Иккала гуруҳнинг жами беморлари даволаш тактикаси бўйича 2 тоифага ажратилди: биринчи тоифага юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари бўлган турли нозологияли беморлар киритилди, уларга анальгиннинг 50% ли 2,0 мл эритмаси ва димедролнинг 1% 1,0 мл эритмалари билан промедикация қилиниб, 0,5% ли 30-40 мл новокаин эритмаси билан маҳаллий оғриқсизлантириш остида, панарицияларда эса Оберст-Лукашевич бўйича ўтказувчан анестезия остида йирингли жароҳат ўчоғига фаол хирургик ишлов берилган. Бунда йирингли ўчоқни кесиш, йирингни эвакуация қилиш, некротик тўқималарни соғлом тўқима чегарасидан кесиш, жароҳатни антисептик билан санация ва аппликация қилиш амалиётлари бажарилган. Устидан левомеколь малҳами билан докали боғлам қўйилган.

Иккинчи тоифадаги операциядан кейинги йирингли жароҳатлар билан оғриган беморлар юқорида кўрсатилган дорилар билан премедикация қилиниб, жароҳатдаги операциядан кейинги чоклар олиниб, жароҳат ревизия, антисептиклар билан санация ва аппликация қилинган. Устига левомеколь малҳами билан докали боғлам қўйилган.

Жароҳатни санация ва аппликацияси учун - тадқиқотнинг мақсади, вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги антисептиклар қўлланилган:

I гуруҳдаги беморлар даволаш усулига кўра иккита кичик гуруҳларга бўлинди: беморларни йирингли жароҳати водород пероксидининг 3% ли, фурацилиннинг 0,02% ли эритмаси билан санация қилинган маҳаллий даволаш учун диметилсульфоксиднинг 25% эритмаси билан аппликация қилиниб, устидан левомеколь малҳами билан докали боғлам қўйилган (n=62). I Б кичик гуруҳдаги беморлар йирингли жароҳатига электрактивланган эритма билан ишлов берилиб (жароҳатни кечишининг биринчи фазасида ЭАЭ-А(анолит (бактериоцид таъсири инобатга олиниб)), иккинчи фазасида ЭАЭ-К(католит (регенерацияни кучайтирувчи таъсири инобатга олиниб)), устига левомеколь малҳами билан докали боғлам қўйилган (n=68).

II асосий гуруҳ беморларида йиринг ўчоғига хирургик ишлов берилган (биринчи ва иккинчи тоифадаги беморларда юқорида кўрсатилган тартибда) электрактивлаанган сувли эритма (жароҳатни кечишининг биринчи фазасида ЭАЭ-А (анолит), иккинчи фазасида ЭАЭ-К(католит)) ва 25% ли диметилсульфоксид эритмасини биргаликда қўлланилган, устига левомеколь малҳами билан докали боғлам қўйилган. Жароҳатни санацияси ва аппликацияси техникаси иккала тоифадаги беморларда бир хил бажарилган. Барча гуруҳ беморларида бойлам йирингли жароҳат кечишининг I-фазасида суткасида 2 марта, II-фазасида эса 1 марта алмаштирилган. Жароҳатдан ажралган микрофлоранинг таъсирчанлигини эътиборга олиб тизимли антибиотик терапия, шунингдек симптоматик даволаш олиб борилган.

Электрактивланган сувли эритма ва 25% ли диметилсульфоксид эритмасини тайёрлаш ва биргаликда қўллаш усули: электрактивланган эритма (ЭАЭ) ни “Эсперо 1” биоэлектрактиваторида стерил натрий хлориднинг 0,9% ли эритмасини электрактивлаш йўли билан тайёрланган. Диметилсульфоксиднинг 25% ли эритмаси 100% ли диметилсульфоксидни 0,9% ли натрий хлорга 1:3 нисбатда аралаштириш йўли билан тайёрланган. Йирингли ўчоқ соҳасига хирургик ишлов берилгач (юмшоқ тўқималар йирингли касалликлари билан беморларда) ва операциядан кейинги йирингли жароҳатларда чоклари олиниб, ревизия қилинган (операциядан кейинги йирингли жароҳат билан беморларда), улар ЭАЭ билан санация қилиниб (жароҳатни кечишининг биринчи фазасида ЭАЭ-А(анолит (бактериоцид таъсири инobatга олиниб)), иккинчи фазасида ЭАЭ-К(католит (регенерацияни кучайтирувчи таъсири инobatга олиниб)), электрактивланган эритма ва 25% ли диметилсульфоксид эритмасини биргаликда аппликация қилинган ва устига левомеколь малҳами билан докали боғлам қўйилган.

Йирингли жароҳат жараёни умумий ва маҳаллий белгилар динамикаси, интоксикация кўрсаткичлари, биокимёвий кўрсаткичлар динамикаси ва йирингли жароҳатларнинг битиш тезлиги, бактериологик ҳамда гистологик текширишлар асосида баҳоланган.

Бактериологик тадқиқотлар йирингли жароҳатдан ажралмани олиш, йирингли жароҳат микрофлорасининг сифати ва миқдорини ҳамда унинг антибактериал препаратларга таъсирчанлигини аниқлаш йўли билан олиб борилган.

Йирингли жароҳатнинг кечиш фазаси жароҳат соҳаси юмшоқ тўқимасини гистологик текшириш орқали аниқланган.

Барча беморларда динамикада йирингли жароҳат экссудатининг рН индици текшириш лакмусли индикатор ёрдамида ўтказилган.

Экссудатда оқсил миқдорини аниқлаш учун рефрактометрик усулда рефрактометр ИРФ-464 апаратидан фойдаланилган.

Қонда ЭЧТ(СОЭ) Панченков усулида аниқланган.

Олинган натижаларнинг математик қайта ишланиши вариантли статистика усуллари билан олиб борилди. Вариантли статистика усули ёрдамида ўрта арифметик (M), унинг хатолиги ($\pm m$), 95% ишонч интервали ИИ, турли аҳамият даражасида Студент (t) мезони (P) аниқланган. $P < 0,05$ бўлганида натижалар ишончли деб ҳисобланган.

Диссертациянинг **“Юмшоқ тўқималарда йирингли касалликларни анъанавий даволаш натижалари”** деб номланган учинчи бобида юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари бўлган беморларни анъанавий даволаш самарадорлиги баҳоланган.

Таққослаш гуруҳидаги беморлар қўйилган мақсад ва вазифаларга кўра иккита кичик гуруҳга ажратилди. Иккала кичик гуруҳ беморларига бажариладиган даво муолажалари иккинчи бобда кўрсатилган тартибда олиб борилган.

I А гуруҳга юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликларига бўлган 62 нафар бемор киритилиб, уларда маҳаллий даволашда водород пероксидининг

3% эритмаси ва диметилсульфоксиднинг 25% эритмаси қўлланилган. Беморлардан 42 нафар (67,7%)ида юмшоқ тўқималарнинг турли назологияли йирингли яллиғланувчи жараёни кузатилган, 20 нафар (32,3%)ида - турли операциядан кейинги жароҳатнинг йиринглаши қайд этилган.

I Б кичик гуруҳидаги 68 та беморларнинг йирингли жароҳатини даволашда электрактивланган эритма (ярани биринчи фазасида анолит, иккинчи фазасида католит) қўлланилиш натижалари ўрганилган. Беморлардан 46 нафар (67,6%)ида юмшоқ тўқималарнинг турли назологияли йирингли яллиғланиш жараёни кузатилган, 22 нафар (32,4%)ида – турли операциядан кейинги жароҳатнинг йиринглаши қайд этилган.

Қабул қилинган пайтда барча беморларда йирингли жароҳатлар жараённинг I-фазасида бўлган.

Қабул қилинган пайтда иккала кичик гуруҳдаги беморларнинг умумий ҳолати, аксарият ҳолатларда, нисбатан қониқарли даражасида бўлган. Клиник-лаборатория маълумотларига кўра умумий интоксикация ҳолатлари устунлик қилган: тана ҳароратининг ошиши, оқариш, кам ҳаракатчанлик, тахикардия, қонда ЭЧТ нинг ортиши, лейкоцитоз. Умумий белгиларга параллел тарзда касалликнинг қуйидаги маҳаллий кўринишлари қайд этилган: йирингли жароҳат соҳасида тўқималарнинг гиперемияси, шиши ва инфильтрацияси. Пальпацияда чуқур оғриқли инфильтрация кузатилган.

I А и I Б кичик гуруҳдаги барча юмшоқ тўқималарнинг турли назологиядаги йирингли касалликлари бўлган беморларга қабул қилинган куни тезкор тартибда, мос келувчи премедикациядан сўнг, маҳаллий оғриқсизлантириш остида йирингли ўчоқга хирургик ишлов бериш, йирингли бўшлиқни антисептиклар билан санацияси ва аппликацияси операцияси ўтказилган, устига левомеколь малҳами доқа остида қўйилган. Боғлам кунига жароҳат кечишини I-фазасида 2 маҳал, II-фазасида 1 маротоба алмаштирилган. Йирингли жароҳат микрофлорасининг антибиотикка сезувчанлигини эътиборга олиб тизимли антибиотик терапияси, симптоматик даво қўлланилган. I А кичик гуруҳ беморларига йирингли бўшлиқнинг антисептик: водород пероксидининг 3% эритмаси ва диметилсульфоксиднинг 25% эритмаси билан санация, охириги антисептик билан аппликация қилиниб, устига доқали боғлам левомеколь малҳами билан қўйилган. Операциядан кейинги жароҳатнинг йиринглаши бўлган беморларнинг жароҳатдаги чоклари олиниб, жароҳат ревизия ва юқорида кўрсатилган антисептиклар билан санация қилинган, ҳамда 25% ли диметилсульфоксид эритмаси билан аппликация қилиниб, устига стерил боғлам левомеколь малҳами билан қўйилган. I Б кичик гуруҳ беморларига даволаш муолажалари юқоридаги тартибда олиб борилган. Антисептик сифатида йирингли ўчоққа электрактивланган сувли эритма (йирингли жароҳатни кечишини биринчи фазасида анолит, иккинчи фазасида католит) қўлланилган.

Иккала кичик гуруҳ беморларида йирингли жароҳатларнинг чуқурлиги ўртача 5 см гачани ташкил этди, жароҳатнинг узунлиги ўртача 4-6 см гачани ташкил этган. 96 % беморлар касалликнинг 4-6 суткаларида мурожаат қилишган. 70 % дан ортиқ жароҳатлик амалиётлари маҳаллий оғриқсизлантириш остида олиб борилган.

I A кичик таққослаш гуруҳида юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари бўлган беморлар организмини интоксикация кўрсаткичларининг натижалари таҳлил қилинганда қуйидаги бир қанча ўзгаришлар қайд этилган (1-жадвал). Жадвалдан кўриш мумкинки, биринчи даволаш куни беморларда тана ҳарорати ўртача $38,2 \pm 0,08$ °C ни ташкил этган. Қонда лейкоцитлар миқдори ўртача $8,8 \pm 0,35 \times 10^9$ /л га тенг бўлган. Шунга ўхшаш тарзда ИЛИ (инфилтрациянинг лейкоцитар индекси) $1,9 \pm 0,13$ ва ЭЧТ $31,9 \pm 1,80$ нинг ортиши кузатилган. Даволашнинг 10 - суткада бу кўрсаткичлар меъёр доирасида бўлган.

1- жадвал

I A кичик таққослаш гуруҳидаги беморларда интоксикация кўрсаткичларининг динамикаси (n=62)

Кўрсаткич	Кузатув вақти				
	Мурожаат куни	3-кун	5-кун	7-кун	10-кун
тана t ⁰	$38,2 \pm 0,08$	$37,4 \pm 0,07^{***}$	$37,1 \pm 0,09^{***}$	$36,7 \pm 0,06^{**}$	$36,4 \pm 0,05$
қонда L $\times 10^9$ /л	$8,8 \pm 0,46$	$8,1 \pm 0,26^{**}$	$7,9 \pm 0,32$	$7,4 \pm 0,29$	$6,8 \pm 0,33$
ИЛИ бир	$1,9 \pm 0,13$	$1,5 \pm 0,06^{***}$	$1,2 \pm 0,08^{***}$	$1,0 \pm 0,04^{***}$	$0,7 \pm 0,09$
ЭЧТ мм/соат	$31,9 \pm 1,80$	$25,7 \pm 1,37^{***}$	$19,4 \pm 1,72^{***}$	$15,2 \pm 1,76^{***}$	$14,1 \pm 1,63^{***}$

Эслатма: * - олдинги суткаларда олинган маълумотларга нисбатан фарқлар (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001) да аҳамиятли.

Беморларда йирингли жароҳат жараёни динамикасини баҳолашнинг навбатдаги мезонлари, йирингли жароҳат муҳитида рН, жароҳат юзасининг камайиш фоизи ва М.Ф.Мазурик бўйича БК кўрсаткичлари бўлган. Таҳлил қилинаётган гуруҳда беморлар мурожаат қилинган биринчи кун йирингли жароҳат муҳитида рН нинг дастлабки даражаси ишончли анча паст бўлиб (ацидоз), ўртача $3,7 \pm 0,32$ ни ташкил қилган. Йирингли жароҳат экссудатида оксил ўртача $56,7 \pm 1,22$ г/л га тенг бўлган. Қондаги умумий оксил миқдори $59,8 \pm 2,11$ (г/л); Бунда БК ўртача $1,05 \pm 0,04$ бирликка тенг. Фақат даволашнинг 10- суткасига келиб йирингли жароҳат соҳасида рН нейтрал бўлган $7,0 \pm 0,33$. Бир суткада жароҳат юзасининг камайиши $4,1 \pm 0,14\%$ га тенг. Йирингли жароҳатдан экссудат ажралиши тўхтаган, бу, бизнинг фикримизча, йирингли жароҳат жараёнининг 1-фазадан 2-фазага ўтиши билан боғлиқ.

Ушбу кичик гуруҳ беморларида йирингли жароҳатларнинг микроорганизмлар билан ифлосланиш даражасини динамик назорат қилиниши қуйидагиларни кўрсатган: қабул қилинган пайтда микроорганизмлар билан ифлосланиши ўртача, 10^8 мт/г га тенг, комплекс даволашнинг 5-суткасида, бу беморларда микроорганизмлар билан ифлосланишининг даражаси кескинлик чегарасидан паст бўлиб, жароҳат соҳаси тўқимасида 10^2 мт/г ни ташкил этган.

1 А - таққослаш гуруҳида беморларнинг инфекцияланган жароҳатларини экссудатидан олинган микрофлоранинг тур таркиби қуйидаги кўринишда эканлиги аниқланган: 32 нафар беморда патоген *Staphylococcus spp.* кузатилган, уларда 13 нафарида (21,0%) у монокультура кўринишида ҳамда 19 (30,6%) нафарида ассоциация кўринишида бўлган. 14 та кузатувда *Escherichia coli* аниқланган, у 5 та (8,1%) ҳолатда монокультура кўринишида ва 9 та (14,6%) ҳолатда микроб ассоциацияси кўринишида учраган. Учраш частотаси бўйича навбатдаги ўринда *Proteus spp.* кузатилган – 7 та кузатув, у 3 та ҳолатда (4,8%) монокультура кўринишида ва 4 та (6,5%) ҳолатда микроб ассоциацияларининг таркибида кузатилган. Кейинги ўринда *Streptococcus spp.* 4 та ҳолатда қайд этилиб, 1 ҳолатда (1,6%) – монокультура ва 3 ҳолатда (4,8%) ассоциацияда кузатилган. *Pseudomonas aeruginosa* 1 нафар (1,6%) беморда монокультура кўринишида, 2 нафар (3,2%) беморда микроб ассоциацияси таркибида аниқланган. *Enterococcus spp.* 2 та ҳолатда қайд этилган, у 1(1,6) монокультура ва ассоциациялар кўринишида мос равишда 1 (1,6%) ҳолатда учраган.

Беморларни комплекс даволашда маҳаллий 25% ли диметилсульфоксид қўлланганда йирингли жароҳатни микроорганизмлардан тозаланиши $7,2 \pm 0,6$ суткада, инфилтратни сўрилиши $6,5 \pm 0,4$ суткада, грануляцияни бошланиши $8,0 \pm 0,5$ суткада, эпителизация $11,0 \pm 1,5$ суткада кузатилган. Келтирилган ушбу маълумотлар гистологик тадқиқотлар асосида тасдиқланган. Бу кичик гуруҳ беморларининг даволаниш давомийлиги $14,5 \pm 1,5$ кунни ташкил қилган.

1 Б кичик таққослаш гуруҳида юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари ва операциядан кейинги йирингли жароҳати бўлган беморлар организмни интоксикация кўрсаткичларининг натижалари таҳлилида ҳам бир қанча қуйидаги ўзгаришларни аниқлади (2-жадвал). Жадвалдан кўриш мумкинки, биринчи даволаш куни беморларда тана ҳарорати ўртача $38,3 \pm 0,1$ °C ни ташкил этган. Қонда лейкоцитлар миқдори ўртача $8,9 \pm 0,24 \times 10^9$ /л га тенг бўлган. Шунга ўхшаш тарзда ИЛИ (инфилтрациянинг лейкоцитар индекси) $1,8 \pm 0,13$ ва ЭЧТ $30,7 \pm 1,91$ нинг ортиши кузатилган.

2- жадвал

1 Б кичик таққослаш гуруҳидаги беморларда интоксикация кўрсаткичларининг динамикаси (n=68)

Кўрсаткич	Кузатув вақти				
	Мурожаат куни	3-кун	5-кун	7-кун	10-кун
тана t^0	$38,3 \pm 0,1$	$37,5 \pm 0,09^{**}$ *	$37,2 \pm 0,07^{***}$	$36,7 \pm 0,05^{***}$	$36,3 \pm 0,07$
қонда $L \times 10^9$ /л	$8,9 \pm 0,24$	$8,2 \pm 0,27^{**}$	$7,7 \pm 0,31$	$7,0 \pm 0,22$	$6,6 \pm 0,21$
ИЛИ бир	$1,8 \pm 0,13$	$1,6 \pm 0,06^{**}$	$1,2 \pm 0,08^{***}$	$1,0 \pm 0,06^{***}$	$0,8 \pm 0,06$
ЭЧТ мм/соат	$30,7 \pm 1,91$	$24,8 \pm 1,47^{**}$	$19,2 \pm 1,66^{***}$	$17,8 \pm 0,86^{***}$	$14,7 \pm 1,2^{**}$

Эслатма: * - олдинги суткаларда олинган маълумотларга нисбатан фарқлар (* - $P < 0,05$, ** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$) да аҳамиятли.

Комплекс даволашнинг еттинчи суткасида бу рақамлар, гарчи камайиш тенденциясига эга бўлиб меёрийлашса ҳам, бироқ ЭЧТ меёрдан юқорилигича сақланган ва 10 суткада меёр доирасида бўлган.

Беморларда йирингли жароҳат жараёни динамикасини баҳолашнинг навбатдаги мезонлари, йирингли жароҳат муҳитида рН, йирингли жароҳат юзасининг камайиш фоизи ва М.Ф.Мазурик бўйича БК кўрсаткичлари бўлган. Таҳлил қилинаётган гуруҳдаги беморларда мурожаат қилинган биринчи кун йирингли жароҳат муҳитида рН нинг дастлабки даражаси ишончли анча паст бўлиб (ацидоз), ўртача $4,0 \pm 0,22$ ни ташкил этган.

Йирингли жароҳат экссудатида оксил ўртача $56,4 \pm 2,1$ г/л га тенг бўлган. Қондаги умумий оксил миқдори $62,8 \pm 2,27$ (г/л); бунда БК ўртача $1,11 \pm 0,04$ бирликни ташкил қилган. Фақат даволашнинг еттинчи суткасига келиб жароҳат соҳасида рН нейтрал $6,8 \pm 0,27$ г/л бўлган. Бир суткада жароҳат юзасининг камайиши $3,7 \pm 0,12\%$ га тенг бўлган. Жароҳатдан экссудат ажралиши тўхтади, бу, бизнинг фикримизча, йирингли жароҳат жараёнининг 1-фазасидан 2-фазасига ўтиши билан боғлиқ. Барча биохимик кўрсаткичлар 7-8 суткага келиб меёрлашган.

Йирингли жароҳат жараёнини баҳолашда ўзига хос мезонлардан бири микроорганизмларнинг ифлосланиш даражасини аниқлаш, микрофлоранинг тур таркиби ҳамда жароҳатнинг тозаланиш муддатларини қайд этиш бўган. Ушбу кичик гуруҳ беморларида йирингли жароҳатларнинг микроорганизмларга ифлосланиш даражасини динамик назорат қилинганда қуйидагилар аниқланди: қабул қилинган пайтда микроорганизмлар билан ифлосланиш ўртача, 10^8 мт/г га тенг бўлган. Комплекс даволашнинг 6-суткасида, бу беморларда микроорганизмлар билан ифлосланишнинг даражаси кескинлик чегарасидан паст бўлиб, жароҳат соҳаси тўқимасида 10^2 мт/г ни ташкил этган.

1 Б - таққослаш гуруҳида беморларнинг инфекцияланган жароҳатлар экссудатидан олинган микрофлоранинг тур таркиби қуйидаги кўринишда эканлиги аниқланган: 33 нафар беморда патоген *Staphylococcus spp.* кузатилган, уларда 14 нафар (20,6%)ида у монокультура кўринишида ҳамда 19 нафар (27,8%)ида ассоциация кўринишида. 11 та кузатувда *Escherichia coli* аниқланиб, у 5 та (7,3%) ҳолатда монокультура ва 6 та (8,8%) ҳолатда микроб ассоциацияси кўринишида учраган. Учраш частотаси бўйича навбатдаги ўринда *Proteus spp.* қайд этилди – 8 та кузатув, у 3 та ҳолатда (4,4%) монокультура ва 5 та (7,4%) ҳолатда микроблар ассоциацияларининг таркибида кузатилган. *Streptococcus spp.* 7 та ҳолатда қайд этилиб, 3 ҳолатда (4,4%) – монокультура ва 4 ҳолатда (5,9%) ассоциациялар кўринишида учраган. *Pseudomonas aeruginosa* 1 нафар (1,5%) беморда монокультура кўринишида, 2 нафар (3,0%) беморда микроб ассоциацияси таркибида аниқланган. *Enterococcus spp.* 6 та ҳолатда қайд этилган, у 2(3,0%) монокультура ва ассоциациялар кўринишида 4 (5,9%) ҳолатда учраган. Ушбу маълумотлар гистологик тадқиқотлар томонидан тасдиқланган.

Юмшоқ тўқималар йирингли касалликлари билан беморларни йирингли жароҳатларини комплекс даволашда маҳаллий электрактивланган сувли эритмалар қўлланилганда йирингли жароҳатларнинг тозаланиш ва битиш

муддатлари куйидагича бўлган: даволашнинг $7,0 \pm 0,4$ суткасида - йирингли жароҳатни инфекциядан тўлиқ тозаланиши, $6,0 \pm 0,5$ суткасида - инфилтратнинг сўрилиши, $7,0 \pm 0,4$ суткасида - грануляцияни пайдо бўлиши, $9,8 \pm 0,7$ суткаларида эпителизация пайдо бўлиши кузатилган. I А и I Б кичик гурух беморлариниг ушбу кўрсаткичларини солиштирма таққослаш таҳлили I Б кичик гурух беморлариниг йирингли жароҳатларини тозаланиш ва битиш муддатлари I А кичик гурухига нисбатан 1-1,5 суткага тезлашганини кўрсатган.

Шундай қилиб, I А и I Б кичик гурух беморлариниг биохимёвий кўрсаткичлари, йирингли жароҳатнинг тўлиқ тозаланиши ва битиш тезлиги динамикасига асосланиб шуни айтиш мумкинки, юмшоқ тўқималар йирингли касалликлари бўлган беморларни жароҳатларини комплекс даволашда маҳаллий электрактивланган сувли эритмаларни қўллаш самарали усул ҳисобланади. I Б кичик гурух беморлариниг ўртача даволаниш муддати $13,5 \pm 0,8$ кунни ташкил этди. Бунда йирингли жароҳатни кечиш жараёнини биринчи фазасидан иккинчи фазасига ўтиши ўртача $7,1 \pm 0,4$ кун бўлган.

I А и I Б кичик таққослаш гурухи беморлариниг биохимик кўрсаткичлари ва битиш тезлиги динамикаси ўрганилганда, юмшоқ тўқималар йирингли касалликлари билан беморларни йирингли жароҳатларини комплекс даволашда маҳаллий электрактивланган сувли эритмалар қўлланилганда:

- I Б кичик таққослаш гурухи беморлариниг йирингли жароҳат муҳити - рН-и тезда меъёрийлашган. I А кичик таққослаш гурухи беморлариниг йирингли жароҳат муҳити -рН-и 10 суткага бориб нейтрал муҳитга эга бўлган. I Б кичик таққослаш гурухи беморлариниг йирингли жароҳат муҳити -рН-и 7 суткага бориб меъёрий кўрсаткичларга тенглашган.

